

METHODS FOR PRESERVING HISTORICAL NEIGHBORHOODS OF THE CITY OF BUKHARA

PhD student, Bukhara Engineering technological institute
Babaeva Madina Shamsiddinovna

Аннотация: Мақолада маданий ва тарихий меросни муҳофаза қилиш, тарихий маҳаллаларни сақлаш ва қайта тиклаш масалалари кўриб чиқилган. Тарихий маҳаллалар шаҳарнинг функционал ташкил этилиши ва архитектуравий структурасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Диссертант томонидан Бухоро шаҳри тарихий маҳаллаларини сақлаш ва қайта тиклаш бўйича бир неча босқичлардан иборат таклифлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари Бухоро анъанавий турар уйлари таҳлили қилиниб, уларни янги функцияга мослаштириш бўйича лойиҳа таклифи берилган.

Калит сўзлар: регенерация, маҳалла, Бухоро, реставрация, анъанавий турар уй.

Кириш. Ҳар бир мамлакат учун тарихий-маданий ёдгорликлар нафақат миллий бойлик, фахр-ифтихор, балки муҳим туристик ресурс ҳамдир. Кўпгина меъморий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, тарихий бинолар ва маҳаллалар сайёҳлик объекти ҳисобланади[1]. Ҳозирги вақтда "маданий ва тарихий меросни сақлаш (ҳимоя қилиш)" тушунчаси ўзгарган. Агар илгари маданий ва тарихий меросни муҳофаза қилиш алоҳида ёдгорликларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлса, маданий-тарихий мерос тушунчасини аниқлаш ва уни муҳофаза қилишнинг янги ёндашувларини таклиф қилади.

Асосий қисм. Янги ёндашувлар алоҳида объектларни муҳофаза қилишдан шаҳарларни муҳофаза қилишга ўтиш жумладан тарихий обидалар, турар жой бинолари, табиий ландшафтлар, тарихан шаклланган маҳаллалар ва бошқалар;

Нафақат моддий меросни муҳофаза қилишдан муайян тарихий жойда шаклланган анъаналар, турмуш тарзи ва маҳаллаларни ўз ичига олган номоддий меросни муҳофаза қилишга ўтиш; жамиятнинг, биринчи навбатда, маҳаллий аҳолининг маданий меросни сақлаш ва уни шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига интеграциялашувида фаол иштирок этиши (жонлантириш); тарихий, архитектура, шаҳар меросини шаҳарнинг кундалик ҳаётига интеграциялаш ва уни ажралмас таркибий қисмга айлантиришдан иборат.

Ҳар бир ёндашувни алоҳида идеал деб аташ мумкин эмас. Маданий-тарихий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилишда ёндашувларни танлаш қуйидагиларга боғлиқ: шарт-шароитлар (табиий-иқлим, антропоген ва бошқалар) тарихий, меъморий, шаҳар меросини сақлашга янги ёндашувларни қўллаш; шаҳарнинг меъморий ва фазовий асосини шакллантиришга таъсир қилувчи қўшимча кичик омилларнинг мавжудлиги.

Ёдгорликларнинг тарихий-маданий салоҳиятини ва тарихий муҳитни сақлаш ва улардан фойдаланиш шаҳарсозлик фаолиятига маълум чекловлар қўяди ҳамда шаҳарнинг функционал ташкил этилиши, режалаштириш тузилмаси ва фазовий таркибининг узлуксиз ривожланишига, ижодий қайта кўриб чиқишга кучли тўртки беради.

Шаҳарнинг тарихий маҳаллаларини сақлаш бўйича чора-тадбирларни танлаш.

Тарихий маҳаллалар шаҳарнинг функционал ташкил этилиши ва архитектуравий структурасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Регенерация - тарихий шаклланган шаҳар мажмуасини унинг сақланмаган қисмларини, режавий ва фазовий тузилишини, меъморий ва бадий характерини, шунингдек, сақланиб қолмаган ёки янги ижтимоий функцияларни ривожлантириш орқали композицион яхлитлиги ва функционал фаоллигини тиклаш йўли билан ўзгартириш мумкин.

Регенерация ёдгорликларни реставрация қилиш, биноларни санация қилиш, сақланиб қолган биноларни модернизация қилиш, сақланмаган биноларнинг ўрнини тўлдирувчи, мавжудларига тўлиқ бўйсунадиган ва тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда шаҳар структураси бузилган ҳудудларда қурилиш - уни шаҳар тизимидаги ҳар бир аниқ участканинг аҳамиятига мослаштириш учун янги қурилишни ўз ичига олади.

Европа мамлакатларида маданий-тарихий меросни қайта тиклаш ва интеграциялашуви тарихий ва меъморий меросга эга шаҳарларни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралади. Йирик шаҳарларни реконструкция қилиш бўйича маҳаллий ва Европа тажрибасини кўриб чиқиш бизга объектларнинг таркиби ва тарихий бинолари бўлган шаҳарларни реконструкция қилиш қоидаларини шакллантириш йўналиши бўйича маълум чора-тадбирлар ишлаб чиқишга имкон беради[2]. Шундай қилиб, замонавий маданий шаҳар сиёсати нафақат меросни сақлаш, балки янги кадриятларни яратишдан иборат. Шаҳарни, обидаларни ҳамда маҳаллаларни қайта тиклаш механизмларидан бири бу юқори ҳаёт сифати ва эстетик яшаш муҳитига эга ижодий саноат кластерларини яратишдир.

Биноларни сунъий равишда тарихий қимматли (ёдгорликлар), эски оддий ва янги (замонавий)га ажратиш мумкин эмас. Эски биноларни бузиб, янги биноларни жойлаштириш мумкин бўлмаганидек, тарихий биноларга бўлган муносабатни ҳам уларни музейлаштириш ва консервация қилиш билан унинг фаолиятини чеклаб бўлмайди.

Муайян ҳудудларни парча-парча ҳимоя қилиш билан шаҳар атроф-муҳитининг яхлитлигини сақлаб қолиш мумкин эмас. Янги архитектура объектлари мавжуд бўлган фазовий элементларни ҳисобга олмаган ҳолда қурилганда, шаҳарнинг фазовий яхлитлиги йўқолади.

Шу боисдан Бухоро шаҳри тарихий ҳудуди маҳаллаларини қайта тиклаш режаси ишлаб чиқилиши керак. Бунда шаҳар ҳокимлиги ҳар маҳалла ҳудудида мониторинг олиб бориб, маҳаллаларнинг жамоат, маъмурий, савдо, кўнгилочар, таълим ва бошқа объектлар мавжудлиги таҳлил қилинади. Маҳаллани бошқа инфратузилма объектлари билан тўлдириш зарурати баҳолашиб, мавжуд объектлар мониторинги ва микрораённинг самарали фаолият кўрсатиши ва аҳолининг қулай яшаш учун зарур бўлган инфратузилма объектлари билан маҳалланинг тўйинганлигини таҳлил қилиш натижаларига кўра, тузатиш ва акс эттирилган онлайн харита-схема шакллантирилади.

Диссертант тарихий шаҳар маҳаллаларининг имкониятларига эътибор беришга таклиф қилади: улар “бузиб ташлаш ва қуриш” схемасига мувофиқ қурилиш майдончаси сифатида эмас, балки уйғун шаҳар муҳитини, туризмни ривожлантириш ҳамда эски биноларни янги яшаш шароитларига мослаштириш учун асос сифатида кўриб чиқилиши керак. Ушбу масалага бу томондан ёндашиш маҳалла аҳолисини хурсанд қилиш билан бирга сайёҳларни ҳам ўзига жалб этади.

Тарихий маҳаллаларнинг қайта тиклаш ва сақлаш ҳудудларни ташкилий равишда ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир, бунда янги объектлар мавжуд шаҳар муҳитига мос келиши, мавжуд биноларни замонавий фойдаланиш учун инфратузилма билан таъминлаш керак. Албатта, маҳаллада мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар максимал тарихий аниқлик билан қайта тикланиши керак. Бундан ташқари тарихий туристик маршрутларни яратиш мақсад қилиниши керак. Натижада бундай ҳудудларда иқтисодий ўсиш кузатилади.

Диссертант томонидан Бухоро шаҳри тарихий маҳаллаларини сақлаш ва қайта тиклаш бўйича бир неча босқичлардан иборат таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчи босқич - ҳудудни режалаштириш, мавжуд биноларни тиклаш ва таъмирлаш ҳажмини, шунингдек, тегишли ишларнинг умумий ҳажмини аниқлаш. Тўғридан-тўғри қурилиш ва реставрация ишларидан ташқари, бошқалар: тарихий бинолар ва сайёҳлик маршрутларини ёритиш имкониятларини кўриб чиқиш, жамоат ва дам олиш жойларини лойиҳалаш, йўллар ва пиёдалар йўлларини эски тарихий кўчаларда бўлганлиги каби стилизация асосида таъмирлаш (масалан, тош кўчалар), биноларнинг ҳамда тура-жойларнинг фасад қисмларини қайта тиклаш, тарихий маҳаллаларнинг умумий визуал идрокини яхшилаш ва бошқалар.

Тарихий шаҳар маҳаллаларини комплекс ривожлантириш доирасида аллақачон бузилиб кетган меъморий ёдгорликларни, тарихий маҳаллаларни тўлдириш учун қайта тиклаш мумкин. Албатта, бундай биноларни ёдгорлик деб аташ қийин, аммо улар қадимий маҳалланинг асл қиёфасини кўришга имкон беради ва замонавий қурилиш қоидалари, зарур муҳандислик инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда қурилади.

Иккинчи босқич - экологик кўрсаткичларни яхшилаш ва тарихий ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини ошириш. Бу минтақавий ва шаҳар кичик дастурлари орқали амалга оширилади. Масалан, ҳудуддан ўтган ариқларни ободонлаштириш, сув ҳавзалари ва ҳовузларни қайта тиклаш. Маҳаллаларда қўшимча рекреацион ҳудуд боғ ва хиёбонлар лойиҳалаштириш, бошқа тарихий обидалар (кўприklar, устунлар, пиёдалар кўчалари, шаҳар инфратузилмаси объектлари)ни қайта тиклаш. Имкон қадар тарихий маҳаллаларда олдин мавжуд бўлган гузар марказлари қайта тиклаш, бу нафақат сайёҳларни жалб этиш балки ҳудуд аҳолисини қайта бир жойда тўпланиш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳаракатни яхшилаш учун транспорт йўналишларини (йўлларни кенгайтириш, пиёдалар йўлакларини лойиҳалаш, ва тўхташ жойлари) ривожлантириш мумкин.

Учинчи босқич - янгиланган тарихий ҳудудларга сайёҳларни жалб қилиш, уларнинг шаҳар меҳмонлари ва аҳолиси назарида жозибадорлигини ошириш. Бу ерда малакали маркетинг муҳим рол ўйнайди ва уни нафақат маълум бир минтақада, балки бутун мамлакатда амалга ошириш керак. Нафақат потенциал сайёҳлар, балки ушбу ҳудудларда дам олишни режалаштира оладиган, шунингдек, уй-жой ёки бизнес юритиш учун кўчмас мулк сотиб оладиган шаҳар аҳолиси ҳам тарихий аҳоли пунктларининг янги имкониятлари ҳақида билишлари керак.

Қадимий шаҳарлар марказлари муаммолари шаҳарларнинг ўзидай эски муаммолардир. Лекин бугунги кунда шаҳарларнинг тез суръатларда ўсиб бориши туфайли бу муаммо айниқса ўткир тус олмоқда. Тарихий шаҳарларнинг марказларидаги ҳудудлар жамиятнинг асосий бойликларидан бири. Шунинг учун атроф муҳитни “кўтариб турувчи синч” каби моддий шаклда ифодаланган бу маданий меросни сақлаб қолишга бўлган ҳаракат табиий. Лекин биз анъанавий шаҳар маркази бизга қанчалик қадрли эканлигини унинг атрофида “бегона” иншоотлар қурилганидан кейин тушундик [3]. Тарихий шаҳар структурасини дегредацияга олиб келаётган, мавжуд муҳитни деформацилаётган стихияли равишда шаклланган ҳажмий-фазовий муҳит пайдо бўлганидан кейин, биз тарихий муҳитни йўқотаётганимизни тушундик [4].


Ҳозирда меъморий мерос объектларини асраб-авайлаш, реставрация қилиш ва улардан фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Яқин давргача бу йўналиш жамоатчилик томондан катта эътибор қаратилмаган, бугунги кунда эса тарихий ҳудуддаги маҳаллалар ва объектларни таъмирлашга янги қурилиш харажатлари билан таққосланадиган маблағ сарфланапти. Бундан ташқари Архитектура мероси объектларидан, турар уйлардан замонавий мақсадларда фойдаланишга мослаштириш тарихий шаҳар ривожланишини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Тадқиқот доирасида Бухоро шаҳри тарихий маҳаллаларида жойлашган бир нечта турар уйларнинг тархий ечими таҳлил қилиниб, уларнинг тузилиши, конструктив ечимлари ўрганиб чиқилди. Турар уйларнинг тархий ечимлари албатта унинг ҳудудининг катта-кичиклигига, шаклига, қўшни ҳовлиларнинг жойлашувига бевосита боғлиқлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон анъанавий турар уй бинолари, халқ меъморчилиги анъаналарини ўзида сингдирган барча объектларнинг кўриниши ва тузилишини шакллантириш учун бошланғич нуқта ва асос ҳисобланади. Маҳаллалар архитектурасининг асосий объекти ҳам турар уйлардан ташкил топган. Чунки унда туб аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари тўлиқ акс этган меъморчилик ечимлари ва анъаналари қўлланган. Анъанавий турар уйлар бошқа турдаги биноларга қараганда жойлашиш шароити, иқлим ва ҳудуд анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Одатда, турар уйлар бошқа меъморий объектларга қараганда мураккаброқ шаклга эга. У қўплаб таркибий қисмлардан иборат бўлиб, қўшни бинолар билан бутун бир ансамблни ташкил қилади, бу эса ўзгаришлар учун замин яратади. Уйнинг ташқи кўриниши турли омиллар - ижтимоий, тарихий, этник, табиий ва иқлимий омилларнинг бутун мажмуаси билан белгиланади[5].

Ўзбекистонда турар уйларнинг асосан XIX-XX асрларда тегишли турлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Тошкент ҳамда Фарғона ҳудудларида сақланиб қолган. Булар орасида Бухоро, Фарғона ва Хива уйлар ўзининг меъморчилик ечимлари билан бошқалардан ажралиб туради. Турар уйларнинг шаклланишида тарихий шароитлар ҳам катта аҳамиятга эга эди. Узоқ вақт давомида Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланган Бухорода ўзига хос хусусиятларга эга бўлган турар уйлар меъморчилик мактаби ривожланган. Ва бу мактаб меъморчилик анъаналари Самарқанд, Тошкент, Шахрисабз ҳамда бошқа шаҳарлар қурилишига ўз таъсирини ўтаказган.

Бухоро шаҳри тарихий маҳаллалари ҳудудидаги қадимий турар уйларни таҳлил қилиш жараёнида Бухоро шаҳри Кўкалдош МФЙ Хўжа Нуробод кўчаси 79-уйни мослаштириш бўйича лойиҳа таклифи ишлаб чиқилди. Турар- уй XIX асрга тегишли бўлиб, уй ҳудудига кўча орқали кирилади(1-расм). Турар-уйда ҳеч ким яшамайди, таъмирга муҳтож. Ҳажмий-фазовий структурасига қараганда уй икки ҳовлига бўлганлиги ва бу ичкари ҳовлидан иборатлигини кўришимиз мумкин. Уйнинг асосий катта ҳажми ёзги хона – меҳмонхона қоникарли аҳволда. Меҳмонхонага икки устунли баланд, безатилган айвон орқали ўтилади. Айвонда иккинчи қават шохнишинга чиқиш учун ёғоч зина жойлашган. Режада бутун уй остида тағхона жойлашган ва жисмоний ҳолати яхши. Ҳовли атрофида жойлашган қишки хона ва ошхоналарнинг аҳоли қоникарли. Ёзги хонанинг шарқий томонида жойлашган паст хоналар устидаги ним айвонлар сақланмаган. Ёзги хонанинг ички безаклари сақланган, аммо таъмирга муҳтож. Наққошлик безаклари вақт ўтиши билан рангларини йўқотган. Шифтдаги болор ва вассалар яхши аҳволда. Деразалардаги панжаралар сақланмаган.



1 расм. Хўжа Нуробод кўчаси 79-уй ҳозирги ҳолати

Тадқиқод давомида олиб борилган изланишлар давомида ушбу турар уйни янги фаолиятга мослаштириш учун диссертант томонидан қуйидаги лойиҳа таклифи ишлаб чиқилди(2-расм).

Лойиҳа ишлаб чиқилиши давомида ушбу турар уйни асл ҳолатидан узоқлашмаган ҳолда, Бухоро анъанавий турар уйлари асрлар давомида ривожланган структураси асосида маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда қайта тиклаш таклифи берилди. Бу нафақат тарихий уйлارни сақлаш ва қайта тиклаш, балки маҳаллаларнинг туристик потенциалини оширишга ёрдам беради.





2-расм. Хўжа Нуробод кўчаси 79-уйни янги фаолиятга мослаштириш бўйича лойиха таклифи.

Хулоса килиб айтганда тадқиқотда шаҳарсозлик фаолиятини тизимлаштириш бўйича, тарихий маҳаллаларни қайта тишлаш ва сақлаш бўйича таклифлар тақдим этилган. Ҳар маҳаллада шаҳарнинг архитектура ва фазовий асосларини янгилаш шакллари, шаҳарни тизимли равишда режалаштириш, маданий меросни сақлаш, тарихий уйларни реставрация қилиш ҳамда маҳаллаларнинг туристик потенциални ошириш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Устойчивое развитие туризма: пособие для специалистов по местному планированию. Мадрид, 1993.
2. Erhaltungssatzung fur die Dresdener Aubere Neustadt [Urban-planning regulation fort he Neustadt district] (24.03.1994/12.01.1995). Dresden, Stadtplanungsamt, 1994, pp. 1-27.
3. Файзуллаева Н.Н., Омонов А.О., Айматов А.А., Мустаев Б., Эльмуродов Б., Рахимов Б.К., Рахимов К.Д. Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари эски шаҳар худудини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш муаммолари // “Архитектура Қурилиш Дизайн”, №4 . – Тошкент, 2012. – 64 бет
4. Файзуллаева Н.Н. The problem of rehabilitation and protection of historic zones in some ancient cities of central Asian republics // “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари”, №1. – Самарқанд, 2013. – 80 б
5. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана.-Москва-1951. Стр-11